

Ажойиб тасвирий санъат асарларини баҳорги илҳом далиллариди яратиб келаятган кўлаб ижодкорлар сафиди истеъдодли мусаввир Ориқали Қозоқов ҳам бор. Унинг сермазмун, тегаран маъноларга, гўзал, ёрқин бўёқларга чулганган асарларининг кўпи айнан Наврўзга бағишланган.

Мусаввирнинг «Наврўз» асарини санъат ихлосмандлари Ватанимиз истиқлолга эришиши арафасида ўтмиш қадриятларимизни тиклаш йўлидаги ҳаракатлар кенг авж ола бошлаганда илк бора кўрган, завқ олган эдилар. 1990 йилда яратилган рангтасвир уша пайтда бошқа муаллифлар томонидан ишланган шу мавзудаги асарлардан фарқланиб турганлигининг сабаби композициянинг пухта топилигани, айнан шу билан бирга унга раъзийлик, бадий ечими воситасида катта фикр, мазмун юкланганидан эди. Чунки кўпчилик муаллифлар Наврўз пайтининг байрам қилинишини кўпқари, чавандозлик, ҳалқ оммавий сайиллари, сумалак, ҳалим, кўксомсалар ва турли пишириқлар тайёрлаш каби воқеаларни бирма-бир тасвирлаб «кўпсузлили» қилган, кўклар арафасидаги кутиш жараёни воқеаларини акс эттиришни унутган эдилар. Ориқали Қозоқов баҳорни кутиш, соғиниш, уни қарши олишга тайёргарлик воқеасининг «натуралистик» тафсилотларига, батафсиллик ҳаракатларига ориқча берилмай мавзу, композиция, тасвир ва ранг ечимларининг бадий ахлат, ўхшаши йўқ образли ифодасини топишга муваффақ бўлган. У табиятан оддийдек бўлиб туюлувчи воқеани гўзал тарзда, умумлашма сермазун тасвирли қилиб кўрсатади.

...Уч аёл сумалак тайёрлаш учун ундирилган бугдой кўкатири ҳар бири алоҳида-алоҳида идишларда бошларига кўйиб олиб боришмоқда. Аёлларнинг бирдек оқ либосда кўрсатилгани, орқа фон унга монанд тўқ яшил кўринишда эканлиги, ранглар ўзаро зид эмаслиги шундай фикрларни тимсолий тарзда ўқиб олиниши учун ишорадир. Кўк, ернинг уфқга яқин жойдан бошлаб қорамтир кўринишга мойил тусда олинган бежиз эмас. Унинг маъноси — яқин ўт-

БҮЁЁҚЛАРГА КҮЧГАН НАФОСАТ



мишда Наврўз байрамига, ҳалқ сайилларига собиқ иттифоқ нуктаи назарининг белгисидир. Осмоннинг тўқ пешида ҳи-ра, оқимтир — напармон булутларнинг олақуроқ бўлиб кўринаётганлиги, илгари ҳалқ ўз удумидан кечмагани, уни ҳар хил ҳолатларда, чеклашларга қарамай ўтказиб келганини билдиради. Аёлларнинг уччаласи гўё бир-бирига ўхшаб кетсада, ҳар қайсисининг кўриниши кийим-кечакларидаги фарқларда сезилиб туради. Олдинда кетаётган балогатга етаётган қиз, ундан кейингиси кекса қайвони момо, унинг изидаги сал энгашиб, тавозе билан қўл қовуштиргани келинчақ эканлиги билинади. Тарихлар, чиқиқлар жуда но-қисмат ранг товланишлари воситасида гўзал уйғунликда ахлитлаб олинган бўлса-да, уларда маълум даражада керакли ерлардагина батафсиллик ҳам мавжуд. Ком-

позициядаги мувозанат муқобил, яхши топилидани асарнинг асосий тасвир компонентлари мато санъатининг чап қисмини эгаллаганига қарамай бир томонга сира оғмайди. У кўрувчининг нигоҳи йўналишига атайин мосланган — «чапдан ўнгга томон қўлишига» имкон беради. Шу зайил томошабиннинг эътибори беихтиёр асар композициясининг маркази — яъни орқароқда келаятган келинчақ сиймосига қаратилади. Унинг бошқа икки қиёфа тасвирига нисбатан бирмунча тафсилотларга бой қилиб кўрсатилгани унингнинг тиник ифодалари ҳам гавдасининг бу томонга кўпроқ бурилиб турганлиги ва бошидаги идишнинг қаттароқ ўлчамда олинган бежиз эмас. Бу Наврўз байрами яна ўз қадрини топишга ишора-дор. Асарнинг энг олдинги қисмида эса юмшоқ — қиш бўйи намгарчиликдан бўр-

сиб чиққан ердан униб, бўй кўрсатган Наврўз даракчиси — бойчечак тасвирлангани боис маънодорликка ургу беришга эришилган. Полотнодаги ранг товланишлари ҳам аста-секин «сирпаниб» сўлдан ўнгга томон қорамтир тўқ жигарранг ва қирмизи тусдан кўк, зумрад лажувард яшилга мойил бўлган тарзда ўзгариб боради. У ҳам ўзига хос кенг фикрлар уйғутувчи тимсолий топиладир. Маълумки мағзи тўқ асар томошабин кўриб идроклагани сари унга олам-олам завқ-шавқ, нафосат шуқуҳни бераверади».

Кўклар, баҳор тушунчалари нафосат, қувноқлик, байрамога кайфият ҳиссиётларини уйғутувчи ёрқин ҳаётбахш таассуротларни кўнглимизга олиб қиради. Рассом ижодий меҳнатининг навбатдаги маволари бўлиши 1991—1995 йиллар мобайнида ишланган кўлаб нуфузли кўргазмалар юзини кўрган «Байрам садолари», «Баҳор, эгизаклар», «Мойиранг пейзаж», «Дугоналар», «Мулоқот», «Наврўз натюрморт», «Янги кун» каби асарлар мазкур шодиёна туркумга тааллуқли эканлиги билан қадридир. Уларнинг барчаси, айниқса бадий ифода кучининг ноёблиги, мазмунининг чуқур фалсафий талқини, сезгиларга таъсир этувчи жиҳатлари ила ажралиб туради. Маҳоратли мўқалам соҳиби 90-йиллар бўсағасида ярата бошлаган «Наврўзнома туркуми»га тааллуқли бадий асарлар қаторига йил сайин янги-янги рангтасвирлар қўшилмоқда.

Ҳар йилдагидек бу сафар ҳам ушбу нурафшон баҳор байрамининг илиқ-иссиқ тафти кўнларига Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида мамлакатимиз кўп сонли мўқалам соҳибларининг тасвирий санъат асарларидан таркиб топган «Наврўз-98» кўргазмаси кенг намоиш этилди. Унга таъриф буюрган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари кўлаб бадий мукамал рангтасвирлар қаторида истеъдодли мусаввир, Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медали соҳиби Ориқали Қозоқов мўқаламига мансуб асарларнинг яқиндагина ниҳоясига етказиб сайқал берилган бир неча нафис тасвирли намуналарини учратдилар.

Баҳром ТОЖИЕВ,
рассом-санъатшунос.
СУРАТДА: мусаввир Ориқали
Қозоқовнинг «Наврўз» асарида
кўчирма.

«Яқинда биз қадимий Самарқандга сафар қилиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, бетакрор ноёб тарихий обидаларини ўр қизикши билан томоша қилдик. Самарқанд Давлат университетиди ҳам бўлди. Бироқ унинг бой кутубхонасини кириб кўришга вақтимиз етмади. Илтимос, шу кутубхона ҳақида маълумот берсангиз.

Ҳурмат билан, Жавлон ДАДАМУХАМЕДОВ, Форух ОТАЕВ, Тошкент Давлат университетининг талабалари».

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети асосий кутубхонасининг Шарқ кўлэмалари бўлими нодир кўлэмалар сақланган бебаҳо хазина ҳисобланади.

У кенг ва ёруғ хонада жойлашган. Тўрда барчамиз кўзга суртишга мойил қадимий китобларни мутлола қилиб ўтирган йигит бизга пешвоз чиқиб, кўринди-да, кўлэмалар тартиб билан тахланга кўйилган дераза ёнидаги столга тақлиф қилди. Салом-аликдан кейин: «Бўлим мудири ва таржмон Шухрат Аминовман, — деб ўзини таништирди ва дарҳол муддаога кўчди, — хазинамиз ташкил топган дастлабки вақтда ҳаммаси бўлиб олти юзтача китоб бор эди, ҳолос. Ҳозир уларнинг сони ўн беш мингдан ортиб кетди. Ма-на бу ҳазрати Жомийнинг «Рисолаи Кабир» асари. Бу жуда ноёб нусхадир, бундан 574 йил илгари ёзилган. Асарнинг ноёблиги шундаки, уни Жомийнинг ўзи ёзган».

Мазмунли ва таассуротли суҳбатдан сўнг, жавонлардаги кўлэмалар китобларни бирма-бир кўздан кечирдик. Хонанинг тўрт тарафига қўйилган йигирматача катта шафқаларга ноёб кўлэмалар тартиб билан тахлаб қўйилган. Хона деворларида эса Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём, Жомий, Фирдавсий ва Бобур каби буюк сиймоларнинг суратлари.

Шухрат Аминов бизга Шарқ мутафаккирларининг асарларини кўрсатди. Бўлимда Навоий, Жомий, Бедил, Машраб, Ҳофиз, Бобур ва бошқа кўпгина шоирларнинг ўнлаб, юзлаб асарлари сақланган экан. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир кўлэма давраларга мувофиқ, ўзининг ёзилиш услуби ва безалиши билан бири-бирдан фарқланиб туришига асосланиб терилган.

Хазинада XI—XX аср бошлари-га оид кўлэмалар, шунингдек, XVIII—XX асрларда турли мамлакатларда, турли йилларда нашр этилган тошбосма китоблар ҳам мавжуд экан. Булар орасидан бундан 500—600 йил илгари ёзилган нодир китоблар ҳам ўрин олган. Китоб жавонларида Фаридудин Мухаммад бинни Иброҳим аттор Нишопурийнинг кўпгина кўлэма асарлари ҳам жуда эҳтиёткорлик билан сақланмоқда. Жумладан, улуг шайхнинг ҳижрий 685 (милодий 1286) йилда ёзилган «Тазкират ул-авлиё» номли машҳур

асари. Унда 72 тасаввуф намояндаси тўғрисида ишончли маълумотлар бор. Асарнинг 1301 йилда кўчирилган нусхаси Тошкент ва 1311 йилда кўчирилган нусхаси эса Берлин хазинасида сақланмоқда. XIII аср олими Ризоиддин Абдул Фозил ал-Хусайн бинни Мухаммад бинни ал-Ҳасан ал-Сағонийнинг хаттот али ибн Муси ал-Шокони томонидан ҳижрий 706 йилда кўчирилган. «Такмил-атул ал-саҳо ал-

Мазнавият ХАЗИНАДАГИ НОЁБ МЕРОС

Жавҳарий» («ал-Жавҳарийнинг «Ал-саҳо-сига қўшимча») номли асари, XIII—XV асрларга доир Жалолиддин Мухаммад бинни Абдурахмон Қазвинийнинг «Муфтахул улум», Абул Қосим Махмуд ибн Усмон Замахшарийнинг «Тафсири Куръон», «Муқаддима ал адаб», Исҳоқ бинни Иброҳим Нишопурийнинг «Қиссаул Анбиё» асарлари хазинада жуда авайлаб сақланмоқда. Исмоил Ҳасан бин Аҳмад бинни Мухаммад Ҳусайний ал-Журжонийнинг тиббиётга тааллуқли «Заҳираи Хоразмшоҳий» асари ўта ноёб, қимматли қомусдир. Араб алифбосида форс-тожик тилида ёзилган ушбу китобда турли касалликларни аниқлаш йўллари ва усуллари, дори-лар тайёрлаш ва уларнинг таркиби, ишлата билиш қоидалари, жароҳлик масалалари кенг ва тушунарли тарзда ёритилган.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг расмий тарихчиси Шарофиддин Али Яздий томонидан 1437 йилда ёзилган «Зафарнома» асари ҳам киши эътиборини ўзига жалб этади.

Китоблар жавонида 1830 йилда Тоҳир ибн қози Абу Саид Хўжа Самарқандий томонидан форс тилида ёзилган ва унда Самарқанднинг бунёд этилиши тарихи, шаҳарнинг «Самарқанд» деб аталиш сабаблари, жуғрофий ҳолати, об-ҳавоси ва XIX асрнинг учинчи чора-гига қадар сақланиб қолган осор-и-атиқалар, шунингдек, масжид ва мадрасалар, кўшклари ва мазорлари тўғрисида маълумотлар берувчи «Самарийа» асари ҳам савлат тўкиб турибди.

Нодир кўлэмалар сақланаётган

бўлимда, қимматбаҳо китоблар орасида жуда аjoyиблари ҳам мавжуд. Шеърый арифметика китоби бунга мисол бўла олади. Унинг муаллифи XIX асрда яшаган самарқандлик суд боқару-чиси Бобоев Мирзақулдовдир.

Ажойиб математик, шоир, тилшунос бўлган Бобоев геометрияни ўзбек тилига таржима қилди, математик графика ҳақида тушунча берди, рақамлар туркумини 46 математик белгига ажратди. Муаллиф ўзбек қабилаларининг 92 номини биринчи бўлиб ҳисоблаб чиқди.

Бир сўз билан айтганда, бу хазинадан ўзбек, араб, форс, тожик, озарбайжон, турк, татар, уйғур ва бошқа тилларда турли вақтларда ёзилган ва Шарқ халқларининг тарихи, адабиёти, фан ва маданияти тарихини ўрганиш учун керакли бўлган кўлэмаларни топасиз.

Бу илм бўлоғидан қанчадан-қанча кишилар фойдаланиб, асарлар, китоблар ёздилар, илмий изланишлар қилиб, фан фидойилари бўлиб етишдилар. Республика Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Самарқанд давлат университетининг профессори Ботиржон Валиқўжаев, тарих фанлари доктори, профессорлар М. Абрамов, Ф. Ҳайдарова, Ф. Набиев, Н. Ражабов, А. Абдурахмонов, Р. Орзибеков ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқига яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуриимизнинг муҳим бўлагини ташкил этади», — деган эди йўлбошимиз Ислоҳ Каримов.

Кутубхонанинг таассуротлар дафтарини очар эканмиз, Анқара университетининг профессорлари Масъуд Камол Ядкин ва Фойқ Рашид ёзиб қолдирган ёзувлар диққатимизни тортиди: «Самарқанд Давлат университетининг кутубхонаси — йиғилган кўлэмалар бўйича энг бой кутубхонадир. Биз улардан мамнуният билан фойдаландик ва Шарқ кўлэмаларининг олтин фонди ҳақида қалбимизда яхши таассуротлар олиб кетяпмиз».

Ноёб Шарқ кўлэмалари ўтмиш маданиятимиз ҳақида кўп маълумотлар беради. Шу сабабдан ҳам уларни авайлаб-асрашимиз, илмий асосда ўрганишимиз ва уни халқимизга етказишимиз керак!

Гулсара ОСТОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Шарқшунослик институтини кўлэмалар бўлимининг катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди.

Таиланддан хушхабар БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

Таиландда бокс бўйича анъанавий Қирол Кубогини мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 20 та давлатдан келган 161 нафар боксчи ғалаба учун курашди. Мусобақаларда мамлакатимиз шарафини Владимир Шин бошчилигидаги 12 боксчи муносиб ҳимоя қилди. Чарм кўлоқ усталаримизнинг яқиний натижалари эса ниҳоятда қувонарли бўлди. 63,5 килограмм вазнда Мухаммадқодир Абдуллаев барча рақибларини энгиб, биринчи ўринни эгаллади. Турнир ҳақамлари М. Абдуллаевни Кубок баҳсларини чиройли ўтказган энг кучли боксчи деб тан олишди ва у махсус соврин билан тақдирланди. 75 килограмм вазнда Дилшод Ёрбеков бу йил иккинчи мартаба Қирол Кубогининг бош соврини билан тақдирланди. Шунингдек, 91 килограмм вазнда Темур Ибрагимов ва ўта оғир вазнда Лазиз Зокировлар ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. 57 килограммлик ўлғатсида Тўлқин Турғунов финалда таиландлик олимпиада чемпиони Самул Камсинг билан учрашди. Тенг курашлар остида ўтган баҳсдан сўнг ҳақамлар Камсингга ғолиб деб топишди. Яна бир вақилимиз — жаҳон Кубогининг совриндори Наримон Отаев финалгача мағлубиятсиз иштирок этиб, у ҳам очколар бўйича таиландлик чарм кўлоқ устасидан мағлۇб бўлди.

60 килограмм вазнда яна бир ҳамюртимиз Темур Сулаймонов бронза медалининг соҳиби бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Таиланддан сўнг мамлакатимиз терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Шоҳалол ШОҚОСИМОВ.



Набиралар ардоғида.
Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг
1200 йиллиги олдидан

ФАРҒОНИЙ САДОСИ

(Бадиадан парча)

Ёзувчи Ашурали Аҳмад Туронзамин Фарзанди, фан ва илм машъаласини баланд кўтарган алломаи жаҳон Аҳмад ал-Фарғоний ҳақида «Фарғоний садоси» номли бадиарисоласини ёзиб тугатди. Ўрта аср Шарқ фалсафаси, айниқса, риёзиёт, фалакшунослик, жуғрофия, илми ҳайъат сингари фанлар ривожига катта ҳисса қўшган Аҳмад ал-Фарғонийнинг қутлуг номи Марказий Осиё, Шарқ ва Оврупо мамлакатларида жуда машҳур бўлган.

Бу тарихий-илмий бадидада IX асрнинг ярмида Ироқ пойтахти Бағдоддаги «Байтул ҳикма» («Фанлар академияси») да яшаб, ижод этган, кўпгина фанларга асос солган Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси ҳамда у билан елкама-елка туриб бирга ижод этган Марказий осийлик бир қанча олимларнинг ҳам илм-фанга қўшган улушлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Қуйида шу бадиадан олинган айрим парчаларни Сиз муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Марказий Осиёда илмга чанқок машҳур олимлар ўзларининг илмий қувватларини ва ўткир истеъдодларини ўз она юртиларига ишга солиш учун имконият бўлмаганлиги сабабли нажот излаб Бағдод томон интилар эдилар.

Аҳмад ал-Фарғоний ўз она юрти Фарғонадан нечанчи йили ва неча ёшида қиёб кетганлиги маълум эмас. Баъзи олимларнинг тахминларича, у ўз маслакдошлари — самарқандлик Нух, тошкентлик Яхё, хиротлик Илёслар билан биргаликда Фарғонадан қиёб кетган. Улар келажакдаги илмий муваффақиятлари учун замин ҳозирлашни мақсад қилиб олган эдилар.

«Байтул ҳикма»да Аҳмад ал-Фарғоний Мухаммад ал-Хоразмий билан бирга илмий-тадқиқот ва илмий асарлар таржимаси билан шугулланди. Шу ўринда Аҳмад ал-Фарғоний ва Мухаммад ал-Хоразмийлар Бағдодга қандай қилиб бориб қолганлар деган савол туғилади. Халифа Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмун Мовароуннаҳр ва Хоросонда ноиб бўлган йиллари ўз атрофига ерли билимдон кишиларни тўплай бошлаган эди. Илм-фанга фидойилик қилган ал-Хоразмий ҳам ўшанда Марвага тақлиф этилган эди. 823 йили халифалик Маъмун ар-Рашидга ўтган, у пойтахтни Марвадан Бағдодга қўчирди. Олимларни Марвадан Бағдодга олиб келади. Ал-Хоразмий бу ерда «Байтул ҳикма»да қадимий кўлэмалар ишга муҳрилик қилади, фаол илмий иш олиб боради. «Байтул ҳикма» — «Маъмун академияси» номи билан машҳур бўлади, бу ерда Марказий осийлик, хуросонлик ва эронлик олимлар кўп эди...

Бу далолатдан маълум бўладики, араблар Марказий Осиёни забт этган, Марвани асосий илмий-сиёсий марказ қилиб танлашган. Арабларга қадар ҳам Марв Марказий осийлик олим ва фозилларнинг илмий маскани бўлган, бу ердаги мадрасаларда туркий ва форсий халқ вақиллари, бўлғуси қомусий олимлар ўқиб тарбия топган. VIII асрнинг бошларида Аҳмад Фарғоний ҳам Марвада ўқиб, етук олим бўлиб қамолга етган, шу шарҳда у ал-Хоразмий билан бирга тарбия топиб, бирга илмий иш олиб боришгани, сўнг Маъмун ар-Рашид тақлифи билан Бағдодга «Байтул ҳикма»га ишга тақлиф қилинган эҳтимолдан ҳоли эмас.

Халифа Маъмун ҳам ўз даврининг маърифатпарвар олимларидан бири бўлган. У илмий ишларни ривожлантириш учун имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилди. Бу илмий марказда Марказий Осиёдан чиққан жуда кўп олимлар муҳим роль ўйнадилар. Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ибн Марвазий, Аббос ибн Жавҳарий, ота-бола Марварудий каби-лар шулар жумласидандир.

Халифа ал-Маъмун Бағдодда фан ва маданиятни яратиб ва унинг шухратини оширишга киришди. Бунинг учун у биринчи навбатда антик даврда яратилган юнон олимларининг фалсафа, илми ҳайъат, риёзиёт, жуғрофия, ҳандаса сингари фанлар бўйича ёзилган рисола-ларни араб тилига таржима қилишни режалаштирган эди. Таржима ишлари учун махсус ўринлар ажратилди. Шунингдек, бу ерда Румдаги юнон тилини яхши билан Аҳмад ал-Фарғоний Яқуб ал-Киндий, Жоиз сингари олимлар бор эди.

«Рум сафари бир йилдан ортиқ давом этди, — деб ёзади академик Азиз Қаюмов. — Олимлар Бағдоддан қиёб Шом орқали Румга бордилар. Бу мамлакатларда катта шаҳарларда бўлдилар, Румдан Юнонистонга ўтдилар, у ердаги кўп кутубхоналар билан танишдилар. Улардаги ўзлари учун керакли бўлган китобларни ўқидилар, баъзиларидан нусха кўчирдилар. Яна сафар асносида олимлар билан учрашиб, суҳбатлар қурдилар, илмий баҳслар, ўқилган китоблар бўйича фикр алмашувлар, янги эълар ва одамлар билан танишу-влар олимларнинг билим доирасини кенгайтирди, тафаккур оламини бойитди, улар Рум сафаридан қимматли натижалар билан қайтдилар. Келтирилган китоблар ичида Батлимус (Птоломей)нинг «Алмажастий» ҳамда «Жуғрофия» китобларининг янги кўлэма нусха-лари диққатга сазовор эди».

Птоломейнинг «Катта тўплам» китоби илми нуҷум (астрономия)га оид бўлиб, ўттиз бобдан иборат эди. Унда илми нуҷумга оид бўлиб жадваллар ҳам бор. «Жуғрофия» эса дунёдаги аҳоли яшайдиган жойларнинг ўрнашган кенглик ва узунлиқларини билдирувчи жадвалларга эга эди.

Мухаммад ал-Хоразмий ҳам, Аҳмад ал-Фарғоний ҳам олимларнинг сафар натижаларидан ниҳоятда шод эди. Чунки бу асарларнинг мўтабар кўлэмалари йиғилган эди. Уларни қиёслаб ўқиб, асл шаклини тузиш имконияти ҳам туғилди. Энди «Катта тўплам» ва «Жуғрофия»ни юнон тилидан араб тилига таржимасини бошлаш вақти келди. Хоразмий билан Фарғоний таржимон олимларнинг истидорига қараб, бир фикрга келишди. «Жуғрофия» номли асарни юнон тилидан араб тилига ўғиришни ал-Киндийга топширилди. «Катта тўплам» таржимаси билан эса ал-Хаттаб ибн Юсуф (вафоти 827-828), Хусайн ибн Исҳоқ (810-873) шугулландилар.

Аҳмад ал-Фарғоний эса «Ал-Мажастий», («Катта тўплам»)га шарҳ ёзмоққа киришди. Китобнинг ҳар бир бобига шарҳ ёзиладиган бўлди. «Ал-Мажастий» ўттиз боб бўлганидан, ал-Фарғоний шарҳлари ҳам ўттиз бобдан иборат бўлди. Шарҳлар ёзиб тугалланган, бу асарни Аҳмад ал-Фарғоний «Рисолат ул-фусул малҳам-фил мажастий ва ҳуа солосул фаслан» («Ал-Мажастий»нинг боб-ларига кириш ва у ўттиз бобдан иборат») деб атади.

(Давоми 4-бетда).

ФАРҒОНИЙ САЛОСИ

(Давоми. Боши 3-бетда).

Манбаларда айтилишича, Маъмун илмий марказида қадимги юнон олимларининг асарларини арабчага таржима этиш ва шарҳлаш, илми ҳайъат жадвалларини тузиш, математика, жуғрофия, физика каби соҳаларда табиий-илмий изланишлар ўтказишга муҳим аҳамият берилар эди. Аҳмад ал-Фарғоний бу изланишларда фаол иштирок этарди. У аввал Бағдоддаги расадхонада иш олиб борди, сўнг Маъмун топиширига биноан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракати ва уларнинг ўрнини аниқлаш бўйича янги «Зиж» яратиш ишларига раҳбарлик қилди.

Марказий Осиё ва хуросонлик олимлар жуда ривожланган, нафис ва мураккаб чет тили тушунчаларини айнаён беришга қодир бўлган араб терминологиясини яратишга ва уни бойитишга катта ҳисса қўшдилар.

Юнон тилидан қилинадиган таржима ҳайъатига Аҳмад ал-Фарғоний бошчилик қиларди. У юнон тилини жуда яхши биларди. Шундай қилиб, давлат аҳамиятига эга бўлган бу масъул вазифани у сидқидилдан бажаришга киришди. Бағдод шу даврларда илмий таржима ишларининг марказига айланиб қолди. Таржима ишларига Аҳмад ал-Фарғоний турли мамлакатлардан келган олимларни жалб этарди. Улар орасида Марказий Осиё олимларидан Мухаммад ал-Хоразмий, Аббос ибн Саид Жавҳарий ва Аҳмад ибн Абдулла Марвазий сингари зотлар бор эди. Аҳмад ал-Фарғоний юртдошлари нафис ва мураккаб чет тили тушунчаларини айнаён беришга қодир эдилар. Улар бу масъулятни ишлар билан араб илмий маонийини яратишга ва уни бойитишга катта ҳисса қўшдилар.

Бу даврда араб тили, ҳинд, форс, сурёний тилларидан, айниқса, юнон лисонидан жуда кўплаб илмий асарлар таржима этилди. Юнон олимлари Жоллинос, Букрот, Афлотун, Уклинос, Батлимус, Архимед сингариларнинг нодир асарлари — юнон фанининг асосий қисми араб тилига таржима қилиниб, Шарқ халқлари орасига кенг ёйилди.

Аҳмад ал-Фарғоний юнон илми ҳайъати, жумладан, Батлимус ал-Клавдийнинг «Олдузлар жадвали» асаридаги маълумотларни қайтадан қўриб чиқиш ҳамда ўша даврдаги барча асосий жойларнинг жуғрофия координатларини янгидан аниқлаш бўйича олиб борилган улкан тадқиқот ишида фаол қатнашди.

Ўша даврда Бағдод нури кўкка ўрлаб порларди. Аҳмад ал-Фарғоний унинг яншоқ бир улкан олдузи бўлиб, оламга нур сочарди. Унинг нуриларига осмон буржлари вобаста эди...

Этти аср мобайнида юзлаб туркий, ўзбек, тожик, туркман ва бошқа ўрта осёлик илми нуҳум, жуғрофия, ҳандаса ва муқобада олимлари етишиб чиқдилар. Му-сулмон Шарқи илми нуҳумга хос хусусиятларидан бири шундаки, улар асосан кузатувчи илми нуҳумни ишлаб чиқдилар. Улар илми нуҳум жадваллари, олдузлар калатогли ва рисолалар, илмий-амалий китоблар эдилар. Мароға, Самарқанд, Бағдод ва бошқа шаҳарлардаги расадхоналар ўз даврига нисбатан ажойиб асбоблар билан жиҳозланган эди. Бу шаҳарларда астурилоб, осмон глобуслари, қуёш ва сув соатлари, ҳар хил асбоб-ускуналарни ясаш ва қуриш ишида катта муваффақиятларга эришилган эди.

Халифа Маъмун айни вақтда олимларга осмоннинг ва жаҳоннинг батафсил хариталарини тузиш тўғрисида топшириқ берганди. «Жаҳон хариталари» аслида дунё атласи бўлиши керак эди. Атлас тузиш иши билан 70 олим шуғулланган, уларга Мухаммад ал-Хоразмий билан Аҳмад ал-Фарғоний бошчилик қилган. Бу хариталар йиғиндиси «Маъмун дунё харитаси» исми билан ҳам юритилган, уни тузиш ишлари 840-йилга яқин ту-галланган.

Хоразмийнинг мазкур хариталар муносабати билан ёзилган «Сурат — ал-арз» китоби ўз даврида жуда машҳур бўлган, ундан ҳамма билим ахли фойдаланган. Китоб бир неча ўнлаб хариталар ва уларга берилган изоҳлардан иборат бўлган. Шуларнинг ҳаммаси «Китоб сурат ал-арз» деб аталган. «Арз» сўзи ер, дунё маъносига, «сурат» умуман қиёфа, қўришни маъносини англатса ҳам, кўпинча «жуғрофия» сўзи ўрнида ишлатилган, шунинг учун китобнинг номи «Ернинг сурати» ёки «Жуғрофия» деб таржима қилинган. Бу асарнинг фақат битта қўлёзма нусха қолган, унинг ҳам кўп саҳифалари йўқолиб кетган экан. Атласдан фақат 4 та харита сақланган, қўлёзма 1878 йилда Қоҳирада топилган, бир неча йилдан сўнг Страсбург шаҳридаги кутубхонага ўтиб қолган.

Хоразмий ва Фарғонийнинг жуғрофий мероси XVII-XIX асрларда учта атоқли шарқшунос олим тадқиқотлари ва асарларида баён этилган. Бу икки аллома тўғрисида дастлаб италян арабшуноси К. Наллино 1895 йилда каттагина мақола ёзган. Сўнгра чех олими Гане Мжик кўп йиллар давомида шуғулланиб, Хоразмий асарларининг бир парчасини 1916 йилда, тўла текстини (араб тилида) сўзбош ва изоҳлар билан 1926 йилда нашр эттирди. У изоҳлардан фойдаланиб, бир қанча хариталарни тиклади. Ўрта осёлик олимнинг буюк қиёфасини, фан тарихидаги хизматлари ва «Жуғрофия» асарини янгидан тиклагани учун Мжикдан гоётада миннатдор-миз.

Мухаммад ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний ўрта Осиёнинг буюк алломаларигина эмас, балки Шарқ жуғрофиясининг асосчилари сифатида узоқ қурдоба (Испания) дан токи Қашқаргача бўлган табиатунос, жуғрофий сайёҳ олимларга илҳом берган. Х асрнинг биринчи ярмида Ироққа яшаган Сўхроб (Ибн Серапион) «Суръат — ал-арз»ни ўзича тахрир қилиб, «Етти иқлим китоби» номи билан эл орасига тарқатган. Аслида у мазкур асарга фақат сўзбош қўшган, материалнинг жойлаштириш тартибининг бироз ўзгартирган, холос. XI асрда Испанияда аз-Зарқалий тузган «Толедо жадваллари»нинг ҳам катта қисми Хоразмий асаридан олинган. Италия шарқшуноси К. Наллино Хоразмий ва Фарғонийга юксак баҳо берган: «Овруподаги ҳеч бир халқ Хоразмий ва Фарғонийлар эришган ютуққа эришишга ва бундай асарлар яратишга қобил эмас эди».

Аҳмад ал-Фарғоний Бағдод расадхонасида илмий текшириш ишларини олиб бориш билан бирга расадхонанинг маъмурий ишларини ҳам бошқарарди. Маъмун фармойишига кўра, расадхонанинг ер юзи айланасидаги градус миқдорини ўлчаш гуруҳида Хоразмий ҳам қатнашарди. Олимларнинг биргаликда олиб борган фаолиятлари «ал-Мажастиъ»даги барча маълумотларни текширишга қаратилган эди. Аҳмад Фарғоний бу даврда юнон тилидан араб тилига қилинаётган илми нуҳумга доир асарлар таржимасида Батлимус (Птоломей)нинг «Олдузлар жадвали» номи асаридаги маълумотларни текшириб, унинг тўғри ва чалқаш жиҳатларини аниқларди.

Ашуралли АХМАД.



Сахнага чакалоқ кўтарган ёш жувон ёнида дугонаси билан чиқиб келади. Жувоннинг кўзлари олазарақ, кимнингдир эшигини изламоқда. Жаз мусикаси эшитилаётган эшик олдида тўтайдилар, қулоқ солади.

БОЛАЛИ АЁЛ. Менмича мана шу уй эди.

ИККИНЧИ АЁЛ. Янглишмаяпсанми?

БОЛАЛИ АЁЛ. Йўқ, йўқ! Худди мана шу уй.

Иккинчи аёл эшикдаги кўнғироқ тугмасини босади. Сабр билан кутилади. Ҳеч ким чиқмайди. Мусиканинг овози тинади. Тугмани қайта-қайта босади, жавоб бўлмайди. Эшикни кўл билан қаттиқ-қаттиқ тақиллатади. Уй деразасининг пардасини хиёл очиб кимдир қарайди. Буни аёл сезмайди. БОЛАЛИ АЁЛ. Мардон ака, ҳо Мардон ака!

ИККИНЧИ АЁЛ. Эшикни очмаяпти, номард.

БОЛАЛИ АЁЛ. Энди нима қиламан?

ИККИНЧИ АЁЛ. Нима қилардинг энди. Бу кунингдан баттар бўл. Ахир йигит ўлгуни сўраб-суриштирсанг ўлармидинг? Қайқдан илаштира қолдинг бу гўрсўхтани?

БОЛАЛИ АЁЛ. Барнонинг қиз базмида танишган эдим.

ИККИНЧИ АЁЛ. Танишмай адо бўл. (Тутқоки). Сенга хайронман. Доим қайқадан болалар билан юрасан. Менга ўхшаб, бундоқ пулдор, амалдоридан топмайсанми?

БОЛАЛИ АЁЛ. Э, мен қайқдан биларай? Гап-сўзлари тузуккина эди. Катта ваъдалар бериб, қўйимни пуч ёнғоққа тўлғизганга ўхшайди. (Яна умид билан, эшикка қараб йиғитни чақиради). Мардон ака, ҳо Мардон ака! Очинг эшикни, бу мен Сайёраман. Ўғлингиз Зафарни олиб келим.

ИККИНЧИ АЁЛ. Э, Мардон бўлмай гўмдун бўл. Энди менга қара, бу гўрсўхтан эшикни очмайди. Боласини эшигининг остонасига қўйда, жуфтани рост-ла. Ўзи нимаиди-ю, унинг боласи нима бўлар эди.

БОЛАЛИ АЁЛ. Нима дейсан ўзи?

Шундай пахлавондай ўғлимни остонага ташлаб кетаманми?

ИККИНЧИ АЁЛ. Бошқа иложинг йўқ, ахир. Бу зормандани кўтариб уйингга борсанг, кекса ота-онанг кучок очиб бағирларига босмасалар керак. Агар

аканг билса терингга сомон тиқиши турган гап.

БОЛАЛИ АЁЛ. Эй, худо! Қандай кунларга қолдим? Нима қиламан энди? Ўзимни ҳам, боламини ҳам ўлдираман? ИККИНЧИ АЁЛ. Жинни-пинни бўлдингми? Ота-онангни уйлсанг-чи? Бутун оилангни иснодга қўйишингни тушунасанми? Боласини эшигига ташла, бундан бошқа чора йўқ!

Болали аёл бироз ўйлаб туради. Қўлидаги боласининг юзига термалади. Уни тўйиб-тўйиб ўпадади ва чакалоқни аста-секин ерга қўяди. Қўллари қалтирайди. Бутун вужудини муздек тер босади. Дугонаси эса, унинг биллиги

АДАШГАН ҚИЗ

(Интермедия)

дан тортиб, тезроқ кетишга ундайди.

ИККИНЧИ АЁЛ. Юр энди, юрақол. Биронта ўткинчи бизни қўриб қолмасин. Юр, тез юр.

Аёл боладан қўзини узмай, унга талпинади, қайтиб болани олишга интилади. Дугонаси эса уни маҳкам ушлаганча олдинга судрайди. 3—4 қадам юргандан сўнг, куч билан дугонасининг қўлидан чиқиб, қайтиб боласини кўтариб олади ва бағрига босади. Юм-юм йиғлайди.

БОЛАЛИ АЁЛ. Йўқ, йўқ! Мен сени ҳеч қачон бу ерда қолдирмаман! Сени ҳеч кимга бермайман! Сен менинг борлигим, сен менинг вужудим. Болам, мен шўрлик, ақлдан озган онангни кечир! Мен аҳмоқ, сени ҳали шу номард, виждонсиз, муттаҳам отангга қолдирмоқчи бўлдимми?

Мени хўрлаган, сени қўришни истаманган бу мараз отанг сенинг қадрингга етаримиди? Йўқ, нима бўлганда ҳам мен сени бу ердан олиб кетишим керак. (Шаҳдам юриб чиқиб кетади).

Сахнага Мехрибонлик уйи бошлигининг хонасини ифодаловчи жиҳозлар, стол ва стуллар қўйлади. Хонага оқ халатли болалар уйи бош врач ва ҳамширалар кириб келишади.

БОШ ВРАЧ. Каримахон, бемор боланинг иситмаси анча кўтарилибди. Сиз тезда мен ёзиб берган тавсияларни бажариб, ундан кўз-қулоқ бўлиб туринг

(Шу пайт бола кўтарган аёллар кирадилар).

ИККИНЧИ АЁЛ. Мумкинми?

БОШ ВРАЧ. Келинг, келинг, марҳамат!

БОЛАЛИ АЁЛ. Мехрибонлик уйи шу бўладики?

БОШ ВРАЧ. Ҳа шу бўлади, ҳўш хизмат?

БОЛАЛИ АЁЛ. Мен... ҳалиги...

ИККИНЧИ АЁЛ. Сизга бола топширмоқчимиз.

БОШ ВРАЧ. Бола топширмоқчисиз?

ИККИНЧИ АЁЛ. Бола топширмоқчимиз дегандан кейин бўлди-да, ҳа деб, қайтараверасизми?

БОШ ВРАЧ (уларни ўриндиққа таклиф қилиб). Қани, қани ичкарига киришлар-чи, марҳамат, ўтиришлар. Ҳўш, тушунтириброқ айтишлар-чи, бу қандай бола? Унинг онаси ким? Отаси ким?

ИККИНЧИ АЁЛ. Э, гапни қўзиб нима қиласиз? Отаси билан нима ишингиз бор. Мана, онаси билан гаплашиб болани олиш қўйинг-да!

БОШ ВРАЧ. Мен бундай аҳволда болани олиб қолишга ҳақим йўқ.

ИККИНЧИ АЁЛ. Э, ўргилдим сиздан.

Ахир маошини сизга нима учун тўлайдилар. Нонини егандан сўнг араасини ҳам тортишга.

БОШ ВРАЧ. Қани синглим, сиз билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтинг йўқ, Чикинг. Мен бу аёл билан ҳоли гаплашмоқчиман.

ИККИНЧИ АЁЛ. Гаплашаверинг. (Жаҳл билан чиқиб кетади).

Мехрибонлик уйининг бош врач болали аёлдан воқеани аниқлаб, болани олиб қолишга рози бўлади. Онага насихат қилади, танбех беради ва уни кўнглини кўтариб қузаб қўйди ва ҳамширани чақиради.

БОШ ВРАЧ. Каримахон!

ХАМШИРА. Лаббай.

БОШ ВРАЧ. Мана шу полвонни дарвор ювтирибди, янги кийим кийдири-

нг. Ўвқатлантиринг, сўнгра чакалоқлар хонасига жойланг.

ХАМШИРА. Биронта ҳам бўш жой йўқ, ахир!

БОШ ВРАЧ. Бир иложини топинг.

ХАМШИРА. Ҳаракат қилиб кўраман.

Кимнинг боласи экан ўзи?

БОШ ВРАЧ. Бу бизнинг боламиз, давлатнинг боласи. Илоҳим ота-она дийдорига зор бўлган шу бола охиригисини бўлсин. Ҳамма фарзандлар ўз она сўтига, ота меҳрига тўйсин. Ҳар бир ота-онани ўз фарзанди буюрсин. Уларга бахтли болалик nasib этсин.

Ҳамшира болани кўтариб чиқиб кетади. Ундан сўнг бош врач ҳам хонадан чиқади.

Музаффар ЖАЪФАРОВ.

«О2»

БОЖЖОНА

САФАРЛАРИ БОШЛАНМАЙ ҚАРИДИ

Юнусободлик Мухаббат Акбарова тегилши хужжатларни тўлдирув чоғида божжона ходимларини осонгина алдамаси бўлган экан. «Тошкент — Алеппо» (Сурия) йўналиши бўйича учувчи самолётга чиқиш чоғида божжона қўриги ўтказилганда унинг қўл юклари орасидан баённомада кўрсатилмаган 5000 АҚШ доллари топилди. Шу сабабли тартиб посбонлари уни самолёт салонида эмас, балки янада синчиклаб текшириш учун аэропорт биносига қайтаришларига тўғри келди.

Урганчилик Полвонназар Сабуров ҳам «Тошкент — Сеул» йўналишидаги самолётга чипта олиб, кутиш залида хотиржам ўтирарди. Негаки, зарур хужжатлар, шунингдек, божжона баённомаси ҳам усталик билан тўлдирилган, энди бир хатлаб самолётга чиқиш олса бас! Афсуски, энг сўнгги дамда, «бир зумгина» ўтказилган божжона қўриги чоғида ҳамма уйлари барбод бўлди. Унинг қўл юклари орасидан хужжатларда кўрсатилмаган 10.000 АҚШ доллари топилди. Табиийки, каттакан самолётнинг биргина қабдузар Полвонназарни кутишга фурсати бўлмади — учди-кетди!

«Полвон» эса Сеулда режаланган ишлари ҳақида тартиб посбонларига тушунтириш бермоқда.

«Тошкент — Шимолий» темир йўли вокзалида шаҳар божжона бошқармаси 8-маскани ҳамда транспорт ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказган тезкор қидирув ишлари натижасида 1970 йилда туғилган Раҳмон Тонгибоевнинг хўжалик суммасидан 1958 грамм қоратори оғусти топилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Давлат божжона қўмитаси
матбуот бўлимининг ходими.

НИҚОБЛИ «ДОПЛАРЧИЛАР»

Чилонзор тумани коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбир натижасида салкам 50 минг қалбаки АҚШ доллари, 54 миллион Россия рубллари бўлган бир гуруҳ кимсалар қўлга тушди.

— Бу кимсаларнинг шахслари, нима билан шуғулланишларини аниқлабди, — дейди Чилонзор туманлараро коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи, милиция майори Аъло Умаров. — Уларнинг бири Россия фуқароси, қолганлари республикамиздан, аниқроғи пойтахтлик кимсалар. Ҳеч қаерда фойдали иш билан шуғулланишмайди. Ишбилармон ниқобидаги кимсалар. Қалбаки пулларнинг ҳаммаси, яъни 100 АҚШ долларлари, 50 ва 100 минг купюрадаги Россия рубллари Россияда махсус аппаратларда чоп этилган. Номерлари бир хил. Ранги тиниқ эмас. Қоғози ҳам оддий. Бир қарашда киши сохталигини англамаслиғи мумкин. Катта миқдордаги пуллар орасига, аниқроғи ҳақиқийсининг ичига жойлаштириб ўтказиш мақсадида бу ерга олиб келишган. Шу йўл билан республикамиздан шу миқдордаги валютани олиб чиқиб кетишга уринишганди. Лекин режа амалга ошмади. «Доллар-шунослар» ҳозир ҳибсга олинган.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

ЎТ БАЛОСИ

Март ойининг охирига қадар шахримизда 138 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинларнинг кўпчилиги газ, иситиш асбобларидан фойдаланиш, сигарета чекишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларининг қисқа туташувлари, ёш болаларнинг олов ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда.

● 1 март кун Шайхонтохур тумани, Бешёғоч даҳаси, 17-уйнинг 94-хонадонда уй эгасининг ўрнида сигарета чекиб ухлаб қолиши оқибатида ёнғин чиқиб, натижада уй эгасининг ўзи ҳалок бўлган.

Яна шу кун Акмал Икромов тумани, Зулфизар кўчаси, 155-уйда 6 ёшли Сожида исмли қизнинг гу-гурт ўйнаши оқибатида ёнғин содир бўлади. Ёнғинни ўчириш вақтида қизчанинг отаси қўлини қуйди-риб олган ва шу ерининг ўзида унга биринчи ёрдам кўрсатилди.

● 5 март кун Сирғали тумани, Дарё бўйи кўчаси, 7-уйда электр симларининг қисқа туташуви оқибатида 30 квадрат метр юзада ҳужраҳона ва уй жиҳозлари ёнган.

● 6 март кун Ҳамза тумани, Динамо кўчаси, 116-уйда газ плитаси устида ёғ қаровсиз қолдирилгани оқибатида ёнғин содир бўлди. Натижада уй эгасининг юзи ва қўли 1—2-даражада 5 фойз қуйиб, биринчи ёрдам кўрсатилди.

● 8 март кун Ҳамза тумани, Галабанинг 40 йиллиги даҳаси, 28-уй, 23-хонадонда ўчирилмаган сигарета қолдири ташлангани оқибатида ёнғин содир бўлган. Натижада уй эгасининг юзи ва қўли қуйиб, биринчи ёрдам кўрсатилди.

● 16 март кун Мирзо Улуғбек тумани, Қурбонов кўчаси, 19-уйда электр симларининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 100 квадрат метр юзада шу уйнинг томи ёнган.

● 19 март кун Шайхонтохур тумани, Баланд масжид кўчаси, 36-уйда ёнғин ҳам электр симларининг қисқа туташуви оқибатида содир бўлган. Натижада 65 квадрат метр юзада уйнинг томи ва уй жиҳозлари ёнган.

● 22 март кун Мирзо Улуғбек тумани, Хусанбоев 1-тор кўчаси, 26-уйда газ печининг ишлаб, қизиб кетиши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 35 квадрат метр юзада шу уйнинг шифти ва томи ёнган.

Кези келганда ҳамшаҳарларимизга шуни айтиш керакки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўришса. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари деганда ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслиқни, уларга газ ва электр анжомларини ёқилиш буюрмаслиқни, гўгурт ўйнашга йўл қўймаслиқни, носоз электр анжомларини ўз вақтида қўздан кечириб, уларни тузатиб қўйишни, эскирган электр симларини алмаштириб туришни, газ плиталари устидаги мўриларнинг соз-нозозлигини текшириб туришни, газ плиталари устида қирлар қуритмаслиқни, ўчирилмаган сигарета қолдиқларини ҳар қаерга ташламаслиқни тушуниш керак.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғиндан сақлаш бошқар-маси Давлат ёнғин назорати бўлими муҳандиси,
ички хизмат катта лейтенанти.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



10 АПРЕЛДАН 15 АПРЕЛГАЧА

Қадри дўстлар! Сизни А. НАВОЙИ номи САНЪАТ САРОЙИГА А. Қодирийнинг романи асосида янги талқинда суратга олинган «ЎТКАН КУНЛАР» 2 серияли бадий фильмига таклиф қиламиз.

СЦЕНАРИЙ МУАЛЛИФЛАРИ — М. АБЗАЛОВ

Х. ФАЙЗИЕВ

Х. ҚОДИРИЙ

БОШ РОЛЛАРДА:

Б. МУҲАММАДҚАРИМОВ, Ш. ДИЛМУРОД

ҚИЗИ, Л. ЭЛТОЕВА, Ҳ. АЛИХҲАЕВ,

Ё. АҲМЕДОВ, Г. ЖАМИЛОВА, С. ИСАЕВА,

Т. ОРПОВ.

«Ўзбекфильм» киностудияси махсулот.

Соат 14.30, 18.00 да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 41-03-40,

41-04-90.

Корхоналар учун пул ўтказиш йўли билан

чипталар

СОТИЛАДИ.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қунари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, ниқоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар

кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.